

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Рўйхатга олинди

“Тасдиқланди”

“Инвестицион фаолият”

Факультет илмий кенгашида муҳокама
қилинган ва тасдиқланган Кенгаш раиси
декан доц.Ақромов Т.А.

№ _____

« ____ » _____ 2012 йил.

« ____ » _____ 2012 йил.

Олий таълимнинг 340300 «Бизнес ва бошқарув» соҳасидаги
5340300 – «Маркетинг» (ташқи иқтисодий фаолият) бакалавр таълим
йўналиши талабалари учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Тошкент-2012

Тузувчи:

Қориева Ё.К. - ТДИУ, «Ташқи иқтисодий фаолият» кафедраси
профессори, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Такризчилар:

Назарова Г.Ғ.- ТДИУ, «Инвестицион фаолият» кафедраси профессори,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

Жалолов Ж.Ж. –ТДИУ, «Ташқи иқтисодий фаолият» кафедраси
профессори, иқтисод фанлари доктори

Услубий кўрсатма «Ташқи иқтисодий фаолият» кафедраси
мажлисида муҳокама қилинган ва тавсия этилган
(мажлиснинг №_____сонли баённомаси)

«_____» _____ 2012 йил.

Кафедра мудири _____ И.С.Хотамов.

1.Умумий қоидалар

Мазкур услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 1998 йил 31 декабрь 362-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом ҳамда “Олий ўқув юртларида бакалавр битирув малакавий ишни бажаришга қўйиладиган талаблар” асосида ишлаб чиқилган ва Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетида “Маркетинг (ташқи иқтисодий фаолият)” йўналиши бўйича бакалавр битирув малакавий ишини ёзиш ҳамда ҳимоя қилиш тартибини белгилайди.

Юқорида келтирилган Низом талабларига асосан олий ўқув юртининг бакалавр даражасига даъвогар битирувчилари ўз мутахассислиги бўйича битирув малакавий ишини ёзадилар ва уни ҳимоя қиладилар.

2. Битирув малакавий ишини бажаришнинг мақсад ва вазифалари

Битирув малакавий ишни бажариш мақсади:

- таълим йўналиши бўйича назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтириш, университетда олинган билимларни амалиётда қўллаш;
- зарур маълумотларни излаб топиш учун қулай усулларни ва воситаларни аниқлаш;
- ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш;
- анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар билан ишалаш;
- ижодий ишлаш, ишлаб чиқиладиган масаланинг қўйилиши жараёнидан бошлаб, уни тўла ниятига етказиш бўйича қарор қабул қилишда бўлган маъсулиятни ҳис қилишга ўргатиш;
- ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш ва мутахассислар даврасида ҳимоя қилиш.

Битирув малакавий ишининг ҳимояси ва айрим фанлар бўйича якуний давлат аттестацияси синовларидан муваффақиятли ўтишга қараб Давлат аттестацияси комиссияси қарорига асосан битирувчига бакалавр даражаси берилади.

Битирув малакавий иши битирувчи талаба томонидан мустақил бажарилган, маълум соҳанинг муаммоларига бағишланган изланишлар асосида бажарилиши керак. Ишнинг мазмуни битирувчининг етуқлиги, мустақил фикрлаши, ўз соҳасининг муаммолари ечимида фаол иштирок эта олиш қобилиятини акс эттириши лозим.

3. Битирув малакавий ишларнинг мавзуси яратиш ва талабаларга бириктириш

Битирув малакавий ишлари мавзуси мутахассис чиқарувчи кафедра томонидан ишлаб чиқилади ва факультет илмий кенгаши томонидан тасдиқланади ҳамда мавзулар рўйхати янгиланиб ҳар ўқув йили қайта кўриб

чиқилади.

Малакавий ишлар мавзусининг йиллик рўйхати битирув амалиёти бошланишига қадар ва битирув курсининг бошида эълон қилинади.

Талабаларга малакавий ишларнинг мавзуларини танлаш ҳуқуқи берилади. Талаба ёки талабанинг ўқиши учун тўлов - контракт маблағини тўловчи буюртмачи зарурий асослар билан малакавий ишлар мавзуси бўйича ўз вариантларини таклиф этишлари мумкин.

Малакавий иш мавзуси ва илмий раҳбарни талабага бириктириш кафедранинг тақдимномаси бўйича ректорнинг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Ишнинг илмий раҳбари, малакавий ишнинг мавзусига мувофиқ талабага битирув малакавий ишига тегишли материалларини тўплаш бўйича топшириқ беради. Топшириқнинг шакли университет ўқув бўлими томонидан белгиланади. Топшириқ битирув малакавий иши билан биргаликда Давлат аттестация комиссиясига тақдим этилади.

4.Битирув малакавий ишини бажарилиш муддатини белгилаш

Битирув малакавий ишини бажарилиш муддати ишчи ўқув режасига мувофиқ белгиланади. Ушбу ўқув режасига мувофиқ талаба битирув малакавий иши учун керакли бўлган барча маълумотларни малакавий амалиёт ўтган корхонада тўплайди.

Талабанинг илмий раҳбар билан ўтказиладиган маслаҳат учрашувлари университетда ва амалиёт ўтаётган корхонада белгиланган жадвал асосида ўтказилади.

Битирув малакавий ишининг бажарилиш муддати илмий раҳбар томонидан белгиланган ва кафедра мудири томонидан тасдиқланган топшириқни қатъий риоя қилинган ҳолда бажарилиши шарт.

Битирув малакавий ишининг бажарилиши бўйича талабанинг ҳисобот бериш муддатларини деканат назорат этади. Деканат белгиланган муддатларда, талаба малакавий ишининг бажарилиши ҳақида илмий раҳбар ва кафедра мудири олдида ҳисобот беради. Кафедра мудири малакавий ишнинг тайёрлик ҳолатини белгилайди.

Талаба ишнинг муаллифи сифатида, танлаган қарорнинг тўғрилигига ва унинг топшириқга мувофиқлигига, малакавий ишда кўчирмачилик ҳолатининг йўқлигига шахсан жавоб беради.

5. Битирув малакавий ишига раҳбарлик ва назорат қилиш

Битирув малакавий ишга раҳбарлар университетнинг профессорлари, доцентлари, катта ўқитувчилари ва Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли муассасаларнинг илмий ходимлари ёки бошқа муассаса, вазирликлар ҳамда корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари сифатида ректор буйруғи асосида тайинланади.

Битирув малакавий ишнинг раҳбари:

- топшириқ беради;
- малакавий ишнинг бажарилиш жадвалини режалаштиради;
- асосий адабиётлар, Интернет ресурслари, маълумот ва архив материалларини ҳамда мавзу бўйича бошқа манбаларни тавсия этади;
- талаба билан мунтазам равишда маслаҳатлар ўтказади;
- малакавий ишнинг бажарилиш жараёнини назорат этади;
- талаба бажарган малакавий ишнинг сифати ва муаллифлигига жавоб беради, мавзуларнинг қайтарилишига ёки кўчирилишига йўл қўйилмайди.

Битирув малакавий иш раҳбарнинг таклифига биноан, кафедра малакавий ишга раҳбарлик қилишга ажратилган вақт бюджети ҳисобидан ишнинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатларни таклиф этиши мумкин.

Малакавий ишга маслаҳатчилар этиб, университетнинг профессорлари, доцентлари, катта ўқитувчилари, илмий тадқиқот муассасаларининг илмий ходимлари ҳамда бошқа муассаса ва корхоналарнинг юқори малакали мутахассислари тайинланиши мумкин. Маслаҳатчилар талаба бажарган малакавий ишнинг мувофиқ қисмини текширадилар ва унинг сифатига жавоб берадилар.

Малакавий иш берилган топшириқ асосида шахсан талаба томонидан бажарилади.

6.Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва мазмуни

Титул варағи. Титул варағи ишнинг биринчи варағи ҳисобланади. Титул варағида муаллифнинг, илмий раҳбарининг, маслаҳатчининг ҳамда кафедра муаллифнинг имзоси қўйилади. (1-иловага қаранг).

Мундарижа. Бунда кириш қисми, боблар, параграфлар, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалар кетма-кетликда ифодаланади. (2-иловага қаранг).

Кириш қисми. Бу қисмда танланган мавзунинг долзарблиги, аҳамияти, ўрганилганлик даражаси, қўйилган мақсад ва изланиш вазифалари ҳолда таклиф қилинаётган тавсиялар акс эттирилади. Кириш қисми илмий раҳбардан олинган топшириқларни ҳам ўз ичида мужассамлаштириш керак.

Ишнинг асосий мазмуни. Малакавий ишнинг бу қисмида режага биноан мантиқий кетма-кетликда мавзунинг мазмуни ёритилади. Ишдаги муаммонинг умумий ҳолда қўйилиши, изланиш олиб бориш услуби, назарий ва амалий материалларни ўрганиш ва умумлаштириш, хулоса ва таклифлар этиш, асосий қисмнинг таркибидир. Айниқса хўжалик юритувчи субъектлардан амалий маълумотлар тўплашга, турли қалтис ҳолатлардан чиқишнинг йўллари излаш ҳамда хўжалик фаолиятини юқори самарадорлик асосида якунлашга эришишга катта эътибор бериш лозим. Хўжалик юритувчи субъектларнинг амалий маълумотларини жадвал, чизма, график, диаграмма сифатида келтириш мақсадга мувофиқдир. Юқоридагилар асосида тушинтиришлар, танқидий таҳлиллар, хулосалар келтириш ҳамда турли кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни очиб бера олиш, камчиликлар сабабларини аниқлай олиш жуда муҳимдир.

Хулоса ва таклифлар. Битирув малакавий ишининг ушбу қисмида таҳлил асосида муаллиф ўзининг мавзуга оид асосий хулоса ва таклифларни баён этилиб, хулосалар қилинади. Таклиф этилаётган тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг корхона имкониятларига мос келишини асослаш амалга оширилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати. Бу рўйхатда Ўзбекистон Республикаси конституцияси, Қонунлар, Президентимиз асарлари, норматив-ҳуқуқий актлардан бошланиб, умумий, махсус адабиётлар, илмий ишлар, статистик тўпламлар ҳамда объектнинг маълумотлари билан тугалланади.

Энг аввало Қонунлар, сўнгра фармонлар, фармойишлар, ҳукумат қарорлари ва бошқа ҳуқуқий –меъёрий ҳужжатлар келтирилади.

Сўнгра адабиётлар рўйхати давом эттирилади, алфавитга биноан адабиёт муаллифлари фамилияси кетма-кетликда жойлаштирилиб, тартиб рақами қўйилади. (3-иловага қаранг).

Мавзуга таллуқли бўлган айрим статистик маълумотлар илова қисмида келтирилиб, сўнгра унга мурожат қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

7. Битирув малакавий ишнинг расмийлаштирилиши

Битирув малакавий ишнинг ҳажми камида **10-15 минг** сўз ҳажмида белгиланади. Бу фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар ҳисобга олмаганда камида 70 варақни ташкил этади. Бунда А4 шаклдаги қоғознинг ўлчами 210 x 297 мм бўлиши керак.

Малакавий иш матни қоғознинг бир томонига ёзилади ва қуйидаги ўлчамда четларидан қолдирилади: чапдан 30 мм, ўнгдан 10 мм, тепадан 15-20 мм, пастдан 20-25 мм.

Битирув малакавий ишини талаба қўлёзма тарзида ёзиши шарт. Бунда ҳуснихат қоидаларига риоя қилиш ва тушунарли ҳолда ёзиш лозим. Барча меъёрий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, адабиётлардан олинган фикрлар, рақамларга белгиланган тартибда манбаларга йўналтирилади.

Тўпланган маълумотлар жадвалларда, диаграммаларда, графикларда, чизмаларда келтирилади ва ҳар бири кетма-кетликда тартиб рақамига эга бўлади.

Битирув малакавий иши ҳимоя қилиш кунидан камида бир ҳафта олдин, жилдланган ҳолда ташқи, илмий раҳбар тақризлари, топшириқ, аннотация, амалиётда ҳамда ўқув жараёнида қўллаши ҳақидаги далолатномалар ва дастлабки ҳимоя баённомаси(4-8 иловалар)билан биргаликда кафедра мудирининг рухсати тўғрисидаги имзоси қўйилган тарзда факультет деканига ДАКда ҳимоя қилиш учун топширилади.

Кафедранинг тавсиясига биноан битирув малакавий иши хорижий тилларнинг бирида бажарилиши мумкин. Хорижий тилда бажарилган ишга давлат тилидаги аннотация илова этилади ва ДАКда ҳимоя вақтида таржима таъминланади.

8. Битирув малакавий ишни ҳимоя қилиш ва рейтинг тизими асосида баҳолаш

Белгиланган тартибда расмийлаштирилган битирув малакавий иш талаба томонидан илмий раҳбарга тақдим этилади. Илмий раҳбар, малакавий иш талаб даражасида бажарилганлигига ишонч билдиргандан сўнг, ишни ўз тақризи билан бирга кафедра мудирига дастлабки ҳимоя учун тақдим этади. Тақризда талабанинг фаоллиги, қабул қилинган қарорларда янгиликлар ва малакавий ишнинг бошқа ижобий томонлари келтирилади. Кафедра мудир, тақдим этилган материаллар асосида малакавий ишни талаба томонидан Давлат аттестация комиссиясида ҳимоя қилишга киритиш ҳақида қарор қабул қилади. Агарда, кафедра мудир талабанинг малакавий ишини ҳимояга киритиш мумкин эмас деб ҳисобласа, масала кафедра мажлисида, илмий раҳбар иштирокида муҳокама этилади. Кафедра мажлисининг баённомаси факультет декани томонидан тасдиқлаш учун университет ректорига тақдим этилади.

Ҳимояга киритилган малакавий иш факультет декани томонидан ташқи тақризга юборилади.

Тақризчилар таркиби битирувчиларга буюртмачилардан танланади. Тақризчилар сифатида бошқа олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ҳам жалб этилиши мумкин.

Битирув малакавий ишлар ҳимояси Давлат аттестацияси комиссиясининг очиқ мажлисларида, аъзоларнинг учдан икки қисми иштирок этган ҳолда ўтказилади.

Битирувчи талаба малакавий ишнинг ҳимоясига пухта тайёрланиши керак. Бунинг учун талаба ишнинг асосий мазмуни бўйича кўргазмали жадваллар, чизмалар ва маъруза матни тайёрлаш керак.

Малакавий ишнинг муаллифи, иш ҳақида унинг мақсади, вазифалари, тузилиши, хулоса ва таклифлари ҳақида гапириб унга ажратилган 15 минут давомида ишни ДАК аъзолари ҳамда иштирокчилари олдида ҳимоя қилади.

Кейин ДАК аъзолари ва иштирокчиларининг иш бўйича берган саволларига жавоб қайтаради.

Битирувчи талабага ҳимоя натижаси бўйича, ДАК аъзолари томонидан бакалавр даражасини бериш ҳақида қарор қабул қилинади.

Битирув малакавий ишни рейтинг тизими асосида қийдагича баҳоланади

БМИ ҳимоясининг баллар тақсимооти

№	Баллар	Баҳолаш мезонлари
1	0-55	Қониқарсиз, яъни талаба топшириқларни қўйилган талаб даражасида бажармайди ва ҳимояга қўйилмайди.
2	56-70	Қониқарли, яъни талаба топшириқларни қўйилган талаб даражасида бажаради, БМИ ишни бир қатор қўпол хато ва камчиликлар билан ҳимоя қилади.(Саволларга тўлиқ жавоб бера олмайди, мавзунини ёритишга ва тушунтиришга қийналади)

3	71-85	Яхши, яъни талаба талаба топшириқларни қўйилган талаб даражасида бажаради, БМИ ни баъзи камчиликлар билан ҳимоя қилади. (Саволларнинг деярли барчасига жавоб беради, мавзуни ёритишда ва тушунтишда баъзи камчиликларга йўл қўяди, тарқатма материаллардан фойдаланади)
4	86-100	Аълои, яъни талаба талаба топшириқларни қўйилган талаб даражасида ва юқори савияда бажаради, БМИ ни талаб даражасида ҳимоя қилади. (Саволларнинг барчасига тўлиқ жавоб беради, мавзуни батафсил ёритиб ва тушунтириб беради, тарқатма материаллардан фойдаланади, слайдлар тайёрлайди)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ” факультети

“ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ” кафедраси

“ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ”

«Ташқи иқтисодий фаолият»

кафедраси мудири

_____ доц. И.С. Хотамов.

«_____» _____ 2012 йил.

Мавзу: “Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда кичик бизнеснинг
ўрни”

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: «инвестицион фаолият»
факультети

«Маркетинг (ТИФ)» йўналиши битирув
курси талабаси Кужанов
Б.А.. _____

ИЛМИЙ РАЎЗНА: проф. Қориева Ё.К.

ТАҚРИЗЧИ: _____

Битирув малакавий иши кафедрада даслабки ҳимоядан ўтди

_____ сонли _____ «_____» _____ 2012 йил.

Тошкент – 2012

2-илова

КИРИШ.....

I-БОБ. Корхона ташқи иқтисодий фаолиятида кичик бизнеснинг аҳамияти

- 1.1. Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантириш зарурияти ва аҳамияти.....
- 1.2. Мамлакатимизда кичик бизнес ривожланишининг йўналишлари.....
- 1.3. Кичик бизнесни юритишнинг ўзига хос жиҳатлари.....

**II -БОБ. Кичик бизнесда ташқи иқтисодий фаолиятни олиб боришнинг
хозирги ҳолати.....**

- 2.1. Ўзбекистонда кичик бизнеснинг ривожланиш ҳолати таҳлили
- 2.2. Кичик бизнесда ташқи иқтисодий фаолият ҳолати таҳлили.....
- 2.3. Кичик бизнесда ташқи иқтисодий фаолиятга доир муаммолар.....

**III –БОБ. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни кичик
бизнесни ёрдамида ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.....**

- 3.1. Кичик бизнесда ташқи иқтисодий фаолиятни иқтисодий самарадорлигини
оширишнинг асосий йўллари.....
- 3.2. Хорижий давлатларнинг кичик бизнесни ривожлантириш борасидаги
тажрибалари ва улардан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари.....
- 3.3. Ташқи иқтисодий фаолиятни кичик бизнес ёрдамида ривожлантириш
истикболлари.....

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

ТАРТИБИ

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари
5. Ўзбекистон Республикасининг вазирлик меъёрий –ҳуқуқий ҳужжатлари

6. Дарсликлар
 - 6.1. Ўзбекистон Республикасида чоп этилган
 - 6.2. Россияда чоп этилган
 - 6.3. Бошқа хорижий давлатларда чоп этилган

7. Ўқув қўлланмалар
 - 7.1. Ўзбекистон Республикасида чоп этилган
 - 7.2. Россияда чоп этилган
 - 7.3. Бошқа хорижий давлатларда чоп этилган

8. Илмий монография, мақолалар ва бошқа асарлар
 - 8.1. Ўзбекистон Республикасида чоп этилган
 - 8.2. Россияда чоп этилган
 - 8.3. Бошқа хорижий давлатларда чоп этилган

9. Докторлик, номзодлик ва магистрлик диссертациялари
 - 9.1. Ўзбекистон Республикасида чоп этилган
 - 9.2. Россияда чоп этилган
 - 9.3. Бошқа хорижий давлатларда чоп этилган

10. Илмий-амалий анжуманлар маърузалари тўпламлари
11. Газета ва журналлар
12. Статистик маълумотлар тўплами
13. ИНТЕРНЕТ сайтлари
14. Вуртуал кутубхона электрон дарсликлар ва ўқув қўлланмалар
15. Битирув малакавий ишлари (бакалавриат учун)

4-илова

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
«Ташқи иқтисодий фаолият»
кафедраси муdiri
_____ доц.И.С.Хотасов.
« ____ » _____ 2012 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА ТОПШИРИҚ

Талабага _____

(Фамилияси, исми, отасининг исми)

Йўналиши _____

1. Бититув малакавий иши мавзуси _____

2. Диплом олди амалиёт жойи _____

3. Иш раҳбари _____

(Фамилияси, исми, отасининг исми, илмий даражаси ва унвони)

1. Иш бўйича маслахатчи _____

2. Ишнинг мақсади _____

3. Иш мундарижаси (режаси)

Бажариш муддати:

I-боб. _____

« ____ » _____ 2012

йил.

II-боб. _____

« ____ » _____ 2012 йил.

III-боб. _____
йил.

« ____ » _____ 2012

Хулоса ва таклифлар.

7. Ишни бажариш учун зарур бўлган материаллар:

5-илова

« _____ » факультетининг

« _____ » кафедраси

« _____ » таълим йўналиши

_____ - курс _____ гуруҳи талабасининг бититув малакавий иши (МД)

дастлабки ҳимоясининг

- **сонли БАЁННОМАСИ**

« ____ » _____ 2012 й.

Тошкент ш.

Талаба _____

Бититув малакавий иши (МД) мавзуси (№ _____)

Илмий раҳбари _____

Бититув малакавий ишининг натижалари (МД):

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____
6. _____
7. _____
8. _____
9. _____
10. _____

Қуйидаги талабларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

Битирув малакавий ишининг мавзуси аввалги йилларга нисбатан ўзгарганми?

Битирув малакавий ишининг режаси аввалги йилларга нисбатан ўзгарганми?

Адабиётлар тўлиқлиги (15банд бўйича ва йилларнинг кетма-кетлиги тўғри қўйилганлиги).

БМИ ва МДда ҳар бетига адабиётларга **хавола**лар борлиги.

Кичик ва хусусий бизнесга тадбиқ этилганлиги (далолатнома).

Ўқув жараёнига тадбиқ этилганлиги (далолатнома).

Бититув малакавий иши (МД)даги асосий камчиликлар:

1. _____
2. _____
3. _____

6-илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
«Ташқи иқтисодий фаолият»

кафедраси муdiri
_____ доц.И.С.Хотамов.
«_____» _____ 2012 йил

ТДИУ _____ факультет
«_____»

Таълим йўналиши бўйича битирувчи курс талабасининг битирув ишлари
тавсияларининг ўқув жараёнларига қўлланиши бўйича

ДАЛОЛАТНОМА

Тошкент шаҳар. 2012 йил «___» _____

Талаба _____нинг
(Фамилияси, исми, отасининг исми)

(битирув малакавий иши мавзуси)

Илмий раҳбар: _____

Битирув малакавий ишининг асосий натижалари боблар ва параграфлар бўйича
бетлар кўрастилган ҳолда фаннинг маъруза матнларида, амалий машғулотларида,
лаборатория, компьютар ишларида ҳамда магистрлик диссертацияларида ёки кейс
стадилар (ўқув лойиҳалари) тайёрлашда фойдаланишини аниқ кўрсатиш керак.

1. Маъруза матнларида (бетларни кўрсатинг) _____

2. Амалий машғулотларида (бетларни кўрсатинг) _____

3. Лаборатория ва компьютар ишларида (бетларни кўрсатинг) _____

4. Кейс стадиларда (бетларни кўрсатинг) _____

5. Магистрлик диссертацияларида (бетларни кўрсатинг) _____

Комиссия раиси _____

Аъзолари: 1. _____

2. _____

3. _____

7-илова

Тошкент шаҳар. 2012 йил «___» _____

ТДИУ _____ факультет
« _____ »

Таълим йўналиши бўйича битирувчи курс талабасининг битирув иши асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ҳамда уни амалиётга тадбиқ этилганлиги тўғрисида

ДАЛОЛАТНОМА

Талаба _____ нинг
(Фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ (битирув малакавий иши мавзуси)

Илмий раҳбар: _____
Битирув малакавий ишининг тавсиялари асосида илмий раҳбарнинг бевосита бошчилигида ҳамда битирув малакавий иши муаллифининг иштирокида амалиётга қуйидагилар тадбиқ этилди:

1. Янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни субъекти яратилади: _____

2. Маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ҳажми: _____

3. Янги иш ўринлари ташкил этиш _____

4. Хўжалик юритиш натижасида олинган фойда суммаси: _____

5. Хорижий инвестиция ва кредитлари миқдори: _____

6. Тижорат банклари ва бюджетдан ташқари фондлардан ажратилган кредитлар ҳажми: _____

7. Илмий раҳбар ва муаллифнинг бажарган иши натижасида олган даромадларнинг миқдори: _____

Хўжалик юритувчи субъект раҳбари _____
(имзоси, муҳр) (Фамилияси, исми, отасининг исми)

8-илова

Кафедра мудири томонидан рухсат этилган битирув малакавий ишлари

қуйидаги ҳужжатлар билан бирга топширилади:

1. Илмий раҳбарнинг тақризи.
2. Ташқи тақриз.
3. Битирув малакавий ишига топшириқ.
4. Битирув малакавий ишнинг кафедра томонидан ўтказилган дастлабки ҳимояси баённомаси.
5. Битирув малакавий ишнинг аннотацияси.
6. БМИ қўлланиши бўйича далолатнома
7. Тарқатма материаллар (слайдлар)

